

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА УҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ  
А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ  
МАЛАКАСНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ИНСТИТУТИ

Н. Б. Тоштемиров

## ЖИЗЗАХ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

ТОШКЕНТ — 1994

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА ЁҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари  
малакасини ошириш марказий институти

Н. В. ТОШТЕМИРОВ

ШИЗЗАХ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Тошкент-1994



Н. В. Топтемиров  
ЖИЗЗАХ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Такризчилар: А. Ф. Назаров, санъатшунослик фанлари номзода,

О. А. Беков, санъатшунослик фанлари номзода.

Масъул муҳаррир: О. А. Иброҳимов, санъатшунослик фанлари номзода.

Муҳаррир: М. Ш. Тоқипов

Республика ўқув-методика марказининг мусиқа фани бўйича илмий-методика кенгашида нашрга тавсия этилган / 2-сон қарор, 16 март, 1994 й. /.

СЎЗ БОШИ

Бугунги воқелигимиз, миллий қадриятларимизнинг ҳайти тикланиш жараёни маданий меросимизни, шу қумладан, кўп асрлар давомида шаклланган бадиий анъаналаримизни ҳар томонлама ўрганишни тақозо этмоқда. Бу борада халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган миллий қўй-қўшиқларимиз муҳим ва қimmatли манбаълардан бири бўлиб, уларни кенг миқёсда тадқиқ этиш масаласи ҳозирда алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур мажмуа Жиззах вилояти ўзбек халқ қўшиқчилиги ижодиётини илмий ўрганиш мақсадида амалга оширилаётган меҳнатнинг дебocasидир. Бунда муаллифнинг ушбу сарҳад бўйлаб 1988 - 93 йиллар давомида мусиқий фольклорга доир олиб борган илмий-амалий экспедициялари муҳим замин бўлди. Бу иш жараёнида халқ мусиқа ижодининг 300 га яқин нодир намуналари қўйловчилардан магнит тасмасига ёзиб олинган ҳамда маълум қисми ноталар воситасига "ўғирилган" бўлиб, шулардан 30 намунаси мазкур тўплам учун танлаб олинди. Бунда, Жиззах вилояти ўзбек халқ қўшиқчилиги хусусида мумкин қадар тўлароқ тасаввур ҳосил этиш истагидан келиб чиққан ҳолда, қўшиқларнинг турли жанрларга оид эканлиги алоҳида инobatга олинди. Аlмо, табиийки, ушбу нашр миқёсида халқ ижодкорлигининг сермахсул намуналари тўла равишда қамраб олинмади.

Тўплам халқ оғзаки ижодиёти билан шугулланувчи турли соҳа мутахассислари, хусусан, мусиқашунослар, фольклоршунослар, этнографлар ҳамда фольклор ансамбллариининг раҳбарлари учун мўлжалланган. Шунингдек, мажмуани педагогика ва мусиқа ўқув юртларининг таълим режасидан урин олган "ўзбек халқ мусиқа ижоди" ўқув фани мазмунига ҳам қўмақдош манбаъ сифатида қўллаш мумкин.

Таҳрир хайъати



## ЖИЗЗАХ ХАЛҚ КЎШИҚЛАРИ

Жиззах вилояти ўзбек халқ кўшиқчилиги ижодиёти ўзининг бой анъанаси ва серқирра меросига эга. Бунда халқ оғзаки ижодига тааллуқли хилма-хил айтим жанрлари ўрин олганки, уларнинг ҳар бири ўзининг яхши бадий қиммати билан маънавий хазинамизни янада бойлатади. Зеро Жиззах халқ кўшиқлари, айни вақтда, ўзбек халқи мусиқасига ҳам мансубдир: уларнинг ҳар бири миллий мусиқамиз учун умумий қонуниятларга бўйсинади. Бу ҳолатлар жумладан, кўшиқларнинг куй-оҳанги, парда-тузуклари, шеър асоси, ритм-тузуклари каби воситаларда яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, Жиззах халқ кўшиқчилигида жумҳуриятимиз бўйлаб кенг ёйилган турли бадий анъаналар, хусусан, Фарғона-Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё-Сурхондарё маҳаллий услубларининг маълум ўрни бор. Вилоятга бу услубларнинг фаол оқими сўнгги 20-30 йиллар ичида амалга ошган бўлиб, бунинг асосий сабаби аҳолини "сунъий миграция" этиш жараёнига бориб тақалади. Вилоятда пахта етиштириш маданиятини юксалтириш мақсадида бу ерларга бошқа вилоятлардан турли аҳоли гуруҳлари кўчириб келтирила бошланди. Ушбу жараён натижасида вилоят таркибида мавжуд бўлган Жиззах, Ғаллаорол, Ғориш, Зомин, Баҳмал ва Зарбдор туманлари қаторида яна бешта - Пахтакор, Дустлик, Арнасой, Зафаробод ва Мирза-чўл туманлари ташкил топди. Табиийки, миграцияга жалб этилган аҳоли орали вилоят халқ мусиқий услубига турли маҳаллий анъаналар ҳам солинган бўлади. Бинобарин, эндиликда Жиззах вилояти ўзбек халқ мусиқа ижодиёти турфа аҳамият касб этмоқда. Бунда, бир томондан, "азалий" маҳаллий анъаналар, иккинчи томондан эса "янги", аниқроғи ўзга жойлар ва, айниқса, Фарғона-Тошкент ва Самарқанд бадий анъаналари ўзига ҳос тарафда намоён бўлмоқда. Ўз-ўзидан айниқ, "азалий" тушунчамиз туб маҳаллий аҳоли мусиқасига оид, "янги"си эса миграция этилган аҳоли мусиқий маданиятига нисбатан шартли равишда қўлланди.

Вилоят ичкида ўтказилган илмий-амалий экспедициялар шунинг кўрсатадики, бу ҳудудда ўзбек халқи мусиқасида шаклланиган деярли барча кўшиқ жанрлари, хусусан, терма, кўшиқ, лапар, ялла ва бошқа айтим намуналари қўлланиб келинмоқда. Шунингдек,

оилавий маросим туркумига мансуб "Ёр-Ёр" ва "Қалми салом"лар ҳам кенг тарқалган бўлиб, турли кўринишларда намоён бўлади.

Бироқ меҳнат жараёнига доир кўшиқ намуналари, шунингдек, Ёғир чақират, шомод тўхтатиш каби маросим айтимлари ҳамда ривоят кўшиқлари асосан "азалий" маҳаллий анъаналарга тааллуқлидир. Ҳар ҳолда бу намуналар янги ташкил этилган туманлар учун ҳос аҳамияти маълум бўлди.

Шундай қилиб Жиззах халқ кўшиқлари ўзбек мусиқашунослигида қабул этилган таснифот асосида икки йirik гуруҳга ажратилди:

1. Маълум вақт ва вазиятда икром этилувчи кўшиқ-айтимлар;

2. Турли вазият ва давраларда икром этилувчи кўшиқ-айтимлар.

Қуйида ҳар бир гуруҳ намуналари хусусида изоҳотлар бериб ўтамиз.

1. Маълум вақт ва вазиятда икром этилувчи кўшиқ-айтимлар.

Ушбу гуруҳ таркибини оилавий маросим /бешик тўйи, никоҳ тўйи, мучал тўйи, мотам маросими /, меҳнат жараёни, мавсумий маросим ҳамда ривоят кўшиқлари ташкил этади. Маълум намуналарнинг икром этилиши учун маълум вақт ва шарт-шароитлар қозир бўлмоғи лозим.

Т ў й - жуда қадим замонлардан бери кишилар ҳаётида муҳим воқеа бўлиб келган. Халқнинг руҳияти, дунёқараши ва, умуман, барча бориқ маънавий бойлиги тўй-томоналарда ўзгача намоён бўлади. Уларни англаб олишда эса маросим жараёни ва унда қўлланилган мусиқа ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг назарда тутиш керакки, тўй маросимлари турли бўлганидек /никоҳ тўйи, сўннат тўйи, бешик тўйи ва б./, уларда қўлланилувчи кўшиқлар ҳам хилма-хилдир. Уларнинг бадий аҳамияти наинки маросим жараёнида, балки умуман халқ маънавий ҳаётида бекиёс аҳамият касб этади. Масаланинг моҳиятига эътибор берайлик: халқимиз онгида "тўй" тушунчаси нафақат бир неча кун давом этиб, ниҳоясига етувчи маросим, балки инсон ҳаёти давомида ёъзозланиб ният қилинувчи орзу-ҳавас ва янги яхши истаклар ҳамдир. Тўй маросимига тайёргарлик эса фарзанд дунёга кели-



ни биланоҳ бошланади. Жумладан, ҳар бир оилага янги тугилган чақалоқ келганида унинг соғлом ўсиб улгайиши ният қилиниб, "яхши тўйларга етказсин" мазмунида дуои ғотиқа қилинади. Хуллас, халқимиз учун "тўй" тushунчаси унинг онгига буткул ижобий ҳодиса ва интилиши лозим бўлган яхшилик рамзидек сингиб кетган. Шу боис бўлса керак, тўй маросими қўшиқлари ниҳоятда дилрабо оҳанглари билан кишини ўзига мафтун этади. Хусусан, никоҳ тўйи маросимида келинни қўёв уйига олиб келиш пайтида аёллар томонидан айтиладиган "Ёр-ёр" ана шундай қўшиқлардан биридир. Ушбу қўшиқнинг нафис ва маълум қадар мунгли оҳанглари халқимиз тасаввурида шаклланган /қўшиқнинг сўз матнидан қатъий назар / гўзал ва ибобли келин умумлашмасини ифода этади. Ўзгача қўшиқчилик анъанасида ўлкамиз бўйлаб маълум бўлган "Ёр-ёр"ларнинг деярли барча турлари учрайди.<sup>1</sup> Айниқса Тошкент ва Фарғона водийси "Ёр-ёр"лари кўпроқ машҳурдир. Шу билан бирга вилоятда маҳаллий хусусиятлар билан йўқрилган "Ёр-ёр"лар ҳам қўйланиб келинмоқда. Уларда, масалан, ўзгача қуй-оҳанглар ҳамда маҳаллий тил шеваларига боглик сўз-иборалари учрайди. Вилоят тил шеvasи эса асосан "й"лашган ва "ж"лашган гуруҳларга бўлинади.<sup>2</sup> Жумладан, Бахмал туманининг Барлоқ қишлоғида ёзиб олинган "Ёр-ёр"ларнинг бирида шундай сатрлар бор:

Дилбир-жилбир, хилағимо жил кўтарсин,  
Бундан борсанг қадамни-ё эл кўтарсин.  
Ўз отангни эшиги-ё майдон эди,  
Кирсанг, чиқсанг, сочингни-ё силар эди.<sup>3</sup>

Шуни ҳам айтиш лозимки, киши-хил кўринишларда мавжуд бўлган "Ёр-ёр"лар қуй-оҳанг жиҳатидан кичик секста товушлари доирасида, тузилиши жиҳатидан эса банд-наҳаротбақлида қўйланади.

Ў Никоҳ тўйи маросимидан кенг урин олган "Келин салом"лар ҳам турлича кўринишларда учрайди /Нота намуналари № 3, 5, 4, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 109, 110, 111, 112, 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120, 121, 122, 123, 124, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 139, 140, 141, 142, 143, 144, 145, 146, 147, 148, 149, 150, 151, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174, 175, 176, 177, 178, 179, 180, 181, 182, 183, 184, 185, 186, 187, 188, 189, 190, 191, 192, 193, 194, 195, 196, 197, 198, 199, 200, 201, 202, 203, 204, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 215, 216, 217, 218, 219, 220, 221, 222, 223, 224, 225, 226, 227, 228, 229, 230, 231, 232, 233, 234, 235, 236, 237, 238, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246, 247, 248, 249, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 257, 258, 259, 260, 261, 262, 263, 264, 265, 266, 267, 268, 269, 270, 271, 272, 273, 274, 275, 276, 277, 278, 279, 280, 281, 282, 283, 284, 285, 286, 287, 288, 289, 290, 291, 292, 293, 294, 295, 296, 297, 298, 299, 300, 301, 302, 303, 304, 305, 306, 307, 308, 309, 310, 311, 312, 313, 314, 315, 316, 317, 318, 319, 320, 321, 322, 323, 324, 325, 326, 327, 328, 329, 330, 331, 332, 333, 334, 335, 336, 337, 338, 339, 340, 341, 342, 343, 344, 345, 346, 347, 348, 349, 350, 351, 352, 353, 354, 355, 356, 357, 358, 359, 360, 361, 362, 363, 364, 365, 366, 367, 368, 369, 370, 371, 372, 373, 374, 375, 376, 377, 378, 379, 380, 381, 382, 383, 384, 385, 386, 387, 388, 389, 390, 391, 392, 393, 394, 395, 396, 397, 398, 399, 400, 401, 402, 403, 404, 405, 406, 407, 408, 409, 410, 411, 412, 413, 414, 415, 416, 417, 418, 419, 420, 421, 422, 423, 424, 425, 426, 427, 428, 429, 430, 431, 432, 433, 434, 435, 436, 437, 438, 439, 440, 441, 442, 443, 444, 445, 446, 447, 448, 449, 450, 451, 452, 453, 454, 455, 456, 457, 458, 459, 460, 461, 462, 463, 464, 465, 466, 467, 468, 469, 470, 471, 472, 473, 474, 475, 476, 477, 478, 479, 480, 481, 482, 483, 484, 485, 486, 487, 488, 489, 490, 491, 492, 493, 494, 495, 496, 497, 498, 499, 500, 501, 502, 503, 504, 505, 506, 507, 508, 509, 510, 511, 512, 513, 514, 515, 516, 517, 518, 519, 520, 521, 522, 523, 524, 525, 526, 527, 528, 529, 530, 531, 532, 533, 534, 535, 536, 537, 538, 539, 540, 541, 542, 543, 544, 545, 546, 547, 548, 549, 550, 551, 552, 553, 554, 555, 556, 557, 558, 559, 560, 561, 562, 563, 564, 565, 566, 567, 568, 569, 570, 571, 572, 573, 574, 575, 576, 577, 578, 579, 580, 581, 582, 583, 584, 585, 586, 587, 588, 589, 590, 591, 592, 593, 594, 595, 596, 597, 598, 599, 600, 601, 602, 603, 604, 605, 606, 607, 608, 609, 610, 611, 612, 613, 614, 615, 616, 617, 618, 619, 620, 621, 622, 623, 624, 625, 626, 627, 628, 629, 630, 631, 632, 633, 634, 635, 636, 637, 638, 639, 640, 641, 642, 643, 644, 645, 646, 647, 648, 649, 650, 651, 652, 653, 654, 655, 656, 657, 658, 659, 660, 661, 662, 663, 664, 665, 666, 667, 668, 669, 670, 671, 672, 673, 674, 675, 676, 677, 678, 679, 680, 681, 682, 683, 684, 685, 686, 687, 688, 689, 690, 691, 692, 693, 694, 695, 696, 697, 698, 699, 700, 701, 702, 703, 704, 705, 706, 707, 708, 709, 710, 711, 712, 713, 714, 715, 716, 717, 718, 719, 720, 721, 722, 723, 724, 725, 726, 727, 728, 729, 730, 731, 732, 733, 734, 735, 736, 737, 738, 739, 740, 741, 742, 743, 744, 745, 746, 747, 748, 749, 750, 751, 752, 753, 754, 755, 756, 757, 758, 759, 760, 761, 762, 763, 764, 765, 766, 767, 768, 769, 770, 771, 772, 773, 774, 775, 776, 777, 778, 779, 780, 781, 782, 783, 784, 785, 786, 787, 788, 789, 790, 791, 792, 793, 794, 795, 796, 797, 798, 799, 800, 801, 802, 803, 804, 805, 806, 807, 808, 809, 810, 811, 812, 813, 814, 815, 816, 817, 818, 819, 820, 821, 822, 823, 824, 825, 826, 827, 828, 829, 830, 831, 832, 833, 834, 835, 836, 837, 838, 839, 840, 841, 842, 843, 844, 845, 846, 847, 848, 849, 850, 851, 852, 853, 854, 855, 856, 857, 858, 859, 860, 861, 862, 863, 864, 865, 866, 867, 868, 869, 870, 871, 872, 873, 874, 875, 876, 877, 878, 879, 880, 881, 882, 883, 884, 885, 886, 887, 888, 889, 890, 891, 892, 893, 894, 895, 896, 897, 898, 899, 900, 901, 902, 903, 904, 905, 906, 907, 908, 909, 910, 911, 912, 913, 914, 915, 916, 917, 918, 919, 920, 921, 922, 923, 924, 925, 926, 927, 928, 929, 930, 931, 932, 933, 934, 935, 936, 937, 938, 939, 940, 941, 942, 943, 944, 945, 946, 947, 948, 949, 950, 951, 952, 953, 954, 955, 956, 957, 958, 959, 960, 961, 962, 963, 964, 965, 966, 967, 968, 969, 970, 971, 972, 973, 974, 975, 976, 977, 978, 979, 980, 981, 982, 983, 984, 985, 986, 987, 988, 989, 990, 991, 992, 993, 994, 995, 996, 997, 998, 999, 1000.

1. Шуларга оид айрим намуналарни мазкур тўпламда акс этдирдик.

2. Каранг: нота намуналари № 1, 2.

3. Бу ҳақда каранг: Гуломов Х. Ўзбек диалектологиясидаги метериаллар, 1-жилд. - Тошкент: Фан, 1967, 59-118 б.

4. Маълумотчи - Зафарбек Саримсоқова, 1936 йили тугилган, тўб, халқ вақиласи.

чи, янги ташкил топган аксарият туманларда "Келин салом" келиннинг қўёв хонадонига кириб келиши билан бошланади. Одатда уларнинг қуйларида кўпроқ нутқдош оҳангларга мойиллик сезилади, овоз ҳажми эса кварта оралигидан ошмайди. Умуман олганда, вилоятда қўйланаётган аксарият "Келин салом"лар услубан Фарғона водийсида қўйланувчи "Чор-ёр" ва "Келин салом"ларга яқин туради. Шу билан бирга, вилоятнинг "азалий" анъаналари сақланаётган туманларда ўзгача кўринишда бўлган "Салом"лар ҳам ихро этилади. Бундай тоифадаги "Келин салом"лар тўй маросимининг иккинчи куни, яъни "Ўз очар" маросими давомида қўйланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, "Келин салом"ларда, "Ёр-ёр"ларда бўлганидек, сўз усталиги, бадий ўхшатма, фикрий қиёсий ифода усуллари билан маҳорат билан фойдаланилади. Шу тарафда оилага янги кириб келган келин номидан қўёвнинг отаси, онаси, ака-укалари, қариндош-уруғлари ва қўна-қўшнilarига "салом" берилади. Саломни келин номидан унга яқин бўлган дугонаси ёки аёл киши айтади. ]

Вилоят никоҳ тўйи маросимларида учрайдиган ўзига хослигининг яна бири - уларда "Ололамитиз - ололмайтисиз" қўшиғининг намоён бўлишидир. Ўйигит /қўёв томон/ ва қиз /келин томон/лар томонидан ихро этилувчи бу айтишув никоҳ базмининг ниҳоясида амалга оширилади. Ҳазил-мutoйиба ила намоён бўлувчи бу кичик "саҳнада" қизлар келинни қўёвдан беркитишган бўлади. Қўёв жўралари эса "шижоат" кўрсатиб, ўз мақсадларини ошкор этадилар /"Ололамитиз" /. Бунда Ўйигитлар қуй-оҳанги қатъиятлик билан бир товушга таянгани ҳолда, қизлар оҳанги кичик терний оралигида бўлган "мулоийм" ва мунгли ҳолатни ифода этади.

Икки мусиқий оҳанг мисраларининг "савол-жавоб" нисбатига асосланган мазкур айтишув бир неча бор такрорланади. Сўнгра эса /яъни келин қўёвга берилгач/ кайвони хотин бошчилигида "Кутаринг, кутаринг бойвачча" қўшиғи ихро этилади. Унда қўёв келинни кутара олмаслиги "ҳажв" этилган бўлади. Шу билан бирга қўёв келинни олиб қочиши лозим эканлиги "ушқир-лади".

1. Нота намунаси № 6.

2. Нота намунаси № 7.



Узоқ ўғтиллардан бери икром этиб келинаётган меҳнат ай-  
тимлари вилоят халқ қўшиқчилигининг тарихий қисmini таш-  
кил этади. Халқнинг кундалик турмуш таран билан боглик иш  
жараёниларида шаклланган бу қўшиқларда мусика чолгулари қўлла-  
нилмайдн, аксарияти кварта-квинта нисбатли товушлар оралиги-  
да қўйланади. 8 -II нота намуналари /. Шу билан бирга қўшиқ-  
ларнинг ритми жиҳати хилма-хил тусланиши билан ўзгача аҳамият  
касб этади. Жумладан, чорвадорлар қўшиғи бўлган "Хўш-хўш"  
айтими қора молни соғиш жараёнида қўйланади. Шу мақсадда  
биноан айтим соф кварта оралиғида садоланади. Аммо унинг  
ўзгача хусусиятлари кўпроқ ритми омили билан боглик ўзгача  
келади. Бунинг сабабларидан бири аса бармоқ вазнида бўлган  
шеърый мисраларнинг 4,5,6 ва 7 бўғинли тарада навбатма-нав-  
бат ўрин алмашлаб келиши билан боглиқдир. Чунки қўшиқнинг  
оҳанг ритми тузилмалари шеърый сўз бўғинларидан ҳосил бўла-  
ётган ритмик бирикмалар асосида ўзгача келади. Натижада ма-  
ни тўртқўринишли ритми тузилмалари ҳосил этилади:

- I. Хўш - хўш хўш - хўш = 4  
 J J J J
- II. Ол - бо - ланг - ни хўш - хўш = 6  
 J J J J J J
- III. Па - кир ту - либ сут бер - син = 7  
 J J J J J J J
- IV. Хўш жо - ним хўш - хўш = 5  
 J J J J J

Мундарижадан ўрин олган дастлабки /I / тузилма қўшиқ-  
нинг шаклланишида ўзгарувчан хусусиятли нақарот ўрнида ке-  
лади. Шунн қўшиқча қилиш мумкинки, унинг "ҳосилланишида"  
/сўз "кучи" билан бирга/ муайян меҳнат вазияти ҳам таъсир ўт-  
казган: "Хўш" сўзи билан қўйланувчи такрорий айтим бевосита  
сут соғилишидан содир бўлаётган товушлар ва шу жараёнинг  
оҳанглар воситасидаги ўзига хос тасвиридир.

I. Бу ҳақда қаранг: М. Алави. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари.-  
Тошкент: Фан, 1974, 123 6.

Етти бўғинли тузилма / П / ва унинг асосидаги қўшиқ бў-  
лимлари қуй банди кўринишларига яқин келади:

$$\frac{A - A_1}{\text{"Хўш-хўш"} = 4 \text{ бўғ. туз.}} - \frac{B}{7 \text{ бўғ. туз.}} - A_2 - C / B_1 / - A_3 - D - A_4$$

Шуниси аҳамиятга молики, қўшиқ асосида ётувчи 7 ва 4  
бўғин тузилмалари бошқа меҳнат қўшиқларида ҳам маълум даража-  
да намоён бўлиб туради.

"Майда" номли айтимлар деҳқончилик билан боглик меҳнат  
жараёнида қарор топган бўлиб, унинг мазмунида, хусусан,  
тегирмон личигига жалб этилган отларга қарата "дядда"булувчи  
иборалар ишлатилади. "Майда"нинг турлари ҳам кўп бўлиб, улар  
асосан қуй-оҳанг ва айрим сўз-иборалари билан ўзаро фарқла-  
дир. Аммо уларнинг барчасида ҳам ритми омилининг аҳамияти бир-  
дек, катта аҳамиятга эга. Жумладан, "Майда"ларда муайян ритми  
тузилмаларининг шу қўшадан, "ёттилик" тузилмасининг қўлланиши  
орқали иш жараёни ритмини сусайтирмасдан бир маромда ушлаб  
туришга "эришалади", деб ўйлаш мумкин.

Меҳнат қўшиқлари тоифасига чарх ёигириш, гилам тўқиш,  
дўппи тикиш ва шунга ўхшаш қўй ҳаракати билан боглик ҳунар-  
мандчилик айтимлари ҳам мансубдир. Бу қўшиқларда иш жараёни  
маълум акс этади, бироқ бу намуналар ритми жиҳатдан ранг-ба-  
ранглиги ва нисбатан мураккаблиги, қуй-оҳанглари аса мазмун-  
дор ва ифодавий эканлиги билан ажралиб туради. Зеро ҳунар-  
мандчилик қўшиқларида хотин-қизларнинг нозик ҳис-туйғулари  
ҳам маълум даражада ўз аксини топган.

Мавсумий маросим қўшиқлари -  
мукаддас Рамазон ойи қўшиғи, Наврўз байрами қўшиғи /"Бойче-  
чак"/, Лола сайли қўшиғи /"Гуллола"/, Баҳор фасли қўшиғи /"Ба-  
ҳор"/ ҳамда "Шамол тўхтатиш" ва "Ёмғир чақиритиш"/Суст хотин/  
маросимлари айтимларидан иборатдир. Аммо "Шамол тўхтатиш" ва  
"Суст хотин" афсуний айтимларини муқим мавсумий қўшиқлар, деб  
бўлмайди. Чунки уларнинг "икром этилиши" йил фасллариининг  
"қулай" келишига боглик. Масалан, ёз ойлари бошоқли экин-  
лар айни этилган пайтда кучли шамол бошланиб, узоқ муддат  
давом этса, униб чиққан ҳосилнинг пайҳон бўлиши ҳаффи тугил-



ган. Мана шундай вазиятда шамолни тўхтатиш билан боглик маросимлар ўтказилиб, маълум қўшиқлар қуйланган. Шунга оид намуна вилоятнинг Ғориш туманида ҳовирги кунгача маълумдир. /Нота намунаси № 12 /. Шамол тўхтатиш айтимининг сўз матнида Ғориш шевасига хос сўз-иборалар учрайди. Қўмладан, унда "ёввош" ўрнида "йўғаш", ҳамда "пичок" ўрнида "бичок" қўлланганлигини кўрамыз. Шунинг ҳам айтиш керакки, Шамол тўхтатиш маросимига оид турли тахминлар мавжуд. Баъзан бу маросимни "Чой момо", "Чал момо", "Шамол момо" каби аташади.<sup>1</sup> Аммо Ғориш маросими "Шамол тўхтатиш" номи билан аталиб, унда шамолни "тинчлантириш" мақсадида афсуний айтим қуйланади ва, сўнгра, ўшқнинг бир томонида пичок санчилади. Шундай қилиб шамолнинг тўхталишига ишонишган.

"Суст хотин" маросими баҳор фаслида қурғоқчилик бўлган пайтларда ўтказилган. Ушбу маросимнинг турли жойларда ўтказилиш жараёни ўзаро ўхшашдир: белгиланган кун аёллар каттароқ қилиб ясалган кўгирчоққа ёши улуг аёлининг қўйлагини кийдиришади. Кўгирчоқни бир аёл кўтариб, қолганлари унинг ортидан эргашадилар ва шу тарада қишлоқ ёки маҳалладаги барча хонадонларга бирма-бир киришиб "Суст хотин" қўшигини айтишади. Уй эгалари уларни хурсандлик билан қаршилаб, кўгирчоқ устидан сув сепиши ва ҳиммат кўрсатиб, хайр-аҳсон қилади.<sup>2</sup>

Жиззах вилоятида "Суст хотин" маросимига оид икки хил айтим мавжудлиги аён бўлди. Шулардан бири Ғаллаорол туманида ёзилган бўлиб, у республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам /масалан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида / учрайди. Мазкур айтим ва "Шамол тўхтатиш" афсуни орасида муайян ритм ва куй-оҳанг /хусусан, куйи квартга сакрамаси / уқумийликлари мавжуд. /Нота намунаси № 14 /.

"Суст хотин"нинг яна бир кўриниши бўлган бошқа бир айтимнинг куй-оҳанглари ўзгачадир. / Нота намунаси № 13 /. Хусусан, Ғориш мусикий анъанасида сақланиб қолган ушбу айтимда тор ҳажм/терция/га камралган "биқик" оҳанглар ҳамда афсунаш ҳолати билан боглик маълум ҳатти-ҳаракатларни эслатувчи

1. Ўзбек фольклори очерклари. I жилд. -Тошкент: Фан, 1988, 165б.

2. Мазкур адабиёт, 159 б.

ритмик тузилма / формула / намоён бўладики, бу ҳолатлар ушбу намуна бошқа вариантларга нисбатан қадимийроқ, деган тахминга асос бўлди.

"Рамазон" қўшиги муқаддас Рамазон ойи билан боглик бўлиб, у рўза бошланган кундан уч кун ўтгач қуйлана бошлайди. Бунда ёшлар оқшом пайти /"оғиз очилгач"/ кўпчиликлари /7-10та/ бўлиб уйма-уй яришади ва барала овозда "Рамазон"дан бир банд қуйлашади. Шунда уйдан бирор кимса чиқиши кутилади, агар ҳеч ким чиқмаса иккинчи банд айтилади ва ҳ.к. Шу тарада муқаддас Рамазон ойи кириб келганлиги халққа "овоза" қилинади ҳамда шу муқаддас ой учун мусулмон халқдан ҳар хил хайрли садақалар йиғилади.

Вилоятда қуйланаётган "Рамазон" айтимлари асосан куй-оҳанглари жиҳатидан ўзаро фарқлидир. Қўмладан, уларда сўздош, нутқдош оҳанглар етакчи бўлиши ёки мунгли оҳанглар қўлланиши мумкин. Шунингдек, бу намуналарнинг ритм-ўлчов асослари эркин ёки муқим кўринишда ҳозир бўлади. Мазкур нашрдан ўрин олган "Рамазон" намунаси муайян ритм-ўлчови ва кичик терция ҳажмида бўлган куйи йўналишли оҳанг асосида айтилади /Нота намунаси № 18 /.

Мавсумий маросим қўшиқларининг салмоқли қисми гўзал баҳор фаслига тўғри келади. Хусусан, "Бойчечак" қўшиги Наврўз кунлари айтилган. /Нота намунаси № 17 /. Қўшиқ "Ўзлаш" талаффузидан келиб чиқувчи секунда оҳанги ва банд-нақарот шаклига асосланади. Аммо шунинг ҳам айтиш лозимки, ушбу намуна Фарғона-Тошкент услубида кенг маълум бўлган машҳур айтим йўлидан маълум қадар ўзгача садоланади. Бу хусусиятлар энг аввало куй-оҳанглари ва сўз матнида намоён бўлади.

"Гуллола" ва "Баҳор" номли айтимлар ҳам баҳор фаслига оид иқод этиланган халқ қўшиқларидир / Нота намуналари № 15, 16 /. Қўмладан, "Гуллола" айтими халқ байрами бўлган Лола сайлида ёшлар томонидан қуйланган. Ушбу қўшиқ секин ва тез иқро этиладиган икки таркибий қисмлардан ташкил топган.

"Баҳор" қўшигида гўзал баҳор фасли васф этилади, агрофманзара шоирона ҳис этилади. Қўшиқ оҳангларида лирик қўшиқларга хос тўлқинсимон ҳаракатлар намоён бўладики, улар шевр мавзунини янада теран этишга хизмат қилади:

Баҳор бўлди, очилди,

Гуллар ҳар ёнда,



Булбуллар сайрашурлар,  
У ён бу ёнда.

Тог бағрида кўзилар,  
Ўтлаб маърашурлар,  
Тогдан тошга эчкилар  
Сакраб ўйнашурлар...

Диззах вилояти халқ мусиқа анъанасида ривоят кўшик-  
лари ҳам маълум аҳамиятга эга. Ҳаётий воқеаларни баён этувчи  
бу кўшиклар мазмунан турлича бўлиши мумкин. Аммо уларда ифода  
бўлаётган воқеавийлик тафсилотлари батафсил куйлаб берилмай-  
ди, балки ундан икки-уч "лавҳа" олинади. Шу сабаб ҳам ривоят  
мазмунан гўё тугалланмагандек бўлиб тўрилиши мумкин. Аммо ри-  
воят кўшиклари муайян ҳудудда кенг маълум бир воқеа асосида  
ёзага келадики, пировардида "катта асар"дан "узиб" олинган  
лавҳа сифатида намоён бўлади. Катта асарнинг мазмуни эса ма-  
ҳаллий аҳолига маълум, бинобарин, ривоят кўшигининг нима ёки  
ким ҳақида эканлигини дарҳол англаб оладилар. Демак, айтиш  
мумкинки, ривоят кўшигини "тўла" амалга ошириш учун ниҳоятда  
ўзгача бўлган макон шарт-шароити ҳозир бўлмоғи лозим экан.  
Бунда кўшикнинг ижро этилиш вазияти қатъий белгиланмаган бўл-  
са-да, бироқ одатда ривоят айтими бирон-бир воқеанинг энг  
баланд чўққиси, авж ҳолатига кўпроқ тўғри келади. Масалан,  
ривоят қилинишича, бир чўпоннинг хотини сарик қиз тугади. Чў-  
пон буни эшитиб кўп қайғуради, чунки у сап-сарик қизалоқни  
келгусида турмушга бера олмастидан хавотирга тушган эди. Шу  
сабаб ҳам у чақалоқни бир тоққа ташлаб, ўзи бошқа бир тоққа  
қўйларини ҳайдаб кўчиб кетади. Чақалоқни эса бошқа бир чўпон  
топиб олиб, ўз боқувига олади. Орадан йиллар ўтиб қиз кел-  
гусида чиройли бўлиб вояга етади. Кўнлардан бирида, уни таш-  
лаб кетган отаси қўйларини ҳайдаб ўша тоққа қайтиб келаёт-  
ган бир пайтда ўз қизига дуч келади. Воқеалардан бохабар қиз  
ўз отасини таниб, унга қарата аччиқ кинояли кўшик қўйлайди.  
/ Нота намунаси № 19 /.

1. Ривоят Баҳмал тумани, Уяс қишлоғида ёзиб олинган. Маълумотчи-  
Дилбар Ҳайитбоева, 1955 й.т., ўзбек, тўб халқ вакиласи.

Кўшикнинг куй-оҳанги кенг ривожга эга эмас, аммо унда  
"ёр-ёр" айтимининг оҳанг таъсири бор. Негаки, ривоятнинг ёза-  
га келишида "тўй" муаммоси асосий сабаблардан бири бўлган :  
ота сарик қизини келгусида узата олишга кўзи етмай, уни таш-  
лаб кетган эди. Қиз эса катта бўлиб, вояга етгач ташлаб кетган  
отасига "Ёр-ёр" оҳанги ила армонли нола қилмоқда.

## 2. Турли вазият ва давраларда ижро этилувчи кўшик-айтимлар.

Мазкур иккинчи гуруҳ кўшиклари муайян вазият ва шароитларга  
мувофиқ бўлмай, балки турли вазият ва давраларда ижро  
этилиши назарда тутилади. Бу тоифа айтимларини эса мавзу жи-  
ҳатдан маълум еркинликка эга бўлган кўшик, терме, лапар, ялла,  
қарсақ каби жанрлар ёзага келтиради.

Қ у ш и қ - халқ мусиқа ижодида энг кўп қўлланилади-  
ган жанрлардан бири бўлиб, ўзининг ихчам, оддий ва "этилув-  
чан" шакл хусусияти билан турли мавзуларни /тенгсиз никоҳ,  
ҳазини, насиҳат, севги ва ҳ.к./қўйлашга қулайлик яратди.  
Шу билан бирга, кўшикнинг турлари ҳам кўплиги билан диққатни  
ўзига жалб этади. Чунончи, вилоят миқёсида "лирик кўшик" номи  
билан маълум айтим мавжуд бўлиб, унда асосан инсоннинг шахсий  
ҳаёти билан боғлиқ, тўйгулар ифода этилади. Одатда, бу кўшик-  
лар вазмин суръатда ижро этилади, куй-оҳанглирида давомли  
ва синхрон хусусиятли ритм чўзимлари намоён бўлади. Бу тур-  
даги кўшикларнинг аксарияти "бармоқ" вазнида ижод этилган  
шула жанрига ниҳоятда мувофиқ келади.

"Ўсма ақилмасиди" номи кўшик тенгсиз никоҳ мавзусига  
бағишланган бўлиб, ёш келинчақ тилидан қўйланади. /Нота наму-  
наси № 20 /. Кўшикнинг ААВА шаклида қўйилган шеърини мис-  
ралари ва уларга мувофиқ куй тузилмаларини ўзаро таққослаган-  
да бу жанр учун хос бўлган бир муҳим жиҳат аён бўлади: шеърини  
банднинг учинчи мисрасига тушган мантикий ургу /"Нега қарига  
бердингиз?" сўзларида /қуйда кварта оҳанг сакрамаси ва энг  
икори товуш-пардаси / $\Phi a^2$ / билан қувватлангандир. Шу тарзда  
кўшиқда ифода этилаётган норозилик тўйгуси ўзининг авж нуқ-  
таларини ошқор этади.

"Қошингни қароси" кўшигида ҳам учинчи мисралар алоҳида  
ажралиб турганлигини кўради. /Нота намунаси № 21 /. Шунингдек,



қўшиқда қўлланган давомли ритм чўзимлари, тўлқинсимон оҳанг ҳаракатлари ҳамда такрорланувчи жумла тузилмалари унга ашулаларга хос бадиий жиҳатларни бағишлайди.

Шуниси эътиборга молики, вилоят халқ қўшиқчилигида "Қошнинг қароси" номи билан маълум бoshка айтимлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуй-оҳанглари ҳамда айрим шеърӣ бандлари билан ўзаро фарқ этади. /Нота намунаси № 22 / . Бу каби ҳолатлар эса, бир томондан, халқнинг юксак ижодкорлик маҳоратини намоён этса, иккинчи томондан – халқ оғзаки ижод намуналари доимо жонли жараёнларда яратилиб, жилоланиб туришини яна бир қарра тасдиқлайди. Хилма-хил айтим жанрларининг келиб чиқиш манбаълари ҳам ана шу жараёнларга бевосита боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда қиёсий таҳлил ва кузатишлар натижасида шундай хулосаларга ҳам келиш мумкин. Шу ўринда терма айтимларига эътибор бериб ўтмоқчимиз.

"Терма" атамаси, маълумки, танлаб олиш, териб чиқиш маъноларини англатади. Ушбу маънолар эса муайян айтимнинг шеърӣ асосига нисбатан қўлланган бўлиб, бунда турли мавзуда бўлган шеърӣ сўзларни бир қўшиқ доирасида /ҳажмида / "териб" қуйлаш назарда тутилади. Жумладан, "Очил, очил" номи терма амамунида бир вақтнинг ўзида она табиат /гуллола/, соғиниш, меҳнат каби мавзулар муштарак бўлганлигини кўриш мумкин. /Нота намунаси № 23/. Аммо шу билан бирга, мазкур терма айтимининг қуй-оҳанг ва банд шакл-тузилишлари қўшиқ жанрига монанд келади. Бинобарин, бу каби термалар халқ орасида кенг ёйилган айтим йўллари асосида яратилган, деб ўйлаш мумкин.

Жиззах вилоятида бахши термалари ҳам ижро этилмоқда. Хусусан, Зомин туманининг Қайирма маҳалласида истиқомат қилувчи бахши Пирназар ота Бобоназаров ижросида айрим термалар ёзиб олинган ади. Ушбу термалар асосан кичик ҳажмда бўлган сўздох оҳанглар билан айтилиб, уларда халқ термаларида кенг ўрин тутган кварта-квинта оҳанг сакрамалари деярли учрамайди. /Нота намунаси № 24 / .

Турли давраларда ижро этиб келинаётган намуналар орасида қарсақ айтимлари ҳам маълум ўрин тутаяди. Жиззах қўшиқчилигидаги қарсақлар моҳиятан икки хил кўринишда ҳозир бўлади. Шунга кўра қарсақ айтимларининг бири асосий кўринишда, яъни муста-

қил жанр сифатида келса, яна бир бoshка тури айтимларга жўр-усул ўрнида намоён бўлади.

Қарсақ жанри асосан эркаклар томонидан шижоат билан жадан суръатларда ижро этилади. Бунда қарсақ уриш ҳолати айтимнинг банд-нақаротига қараб турлича аҳамият касб этади. Хусусан, банд давомида келувчи қарсақ кўпроқ "жўровоғ" бўлган оддий усул тарзида қўлланилади, ҳамда ижрода иштирок этаётган қўшчилик / одатда 8-10 эркак / ни бир тартибда уқшиб, мусиқий ҳамоҳанг ҳаракат этишларига кўмак бериб туради. Нақаротга келиб эса қарсақ чалиш хусусияти етакчилик қила бошлайди. Энди қарсақлар турлича ўзгариб, янги ўлчов ва ритм тузилмаларини ўзига келтира бошлайди.

Қарсақнинг бoshка кўриниши эса асосан айтимларга жўр бўлиб турувчи / гўё зарбли чолгулар каби / усул вазифасини бажараяди, холос. Бундай қарсақлар турли жанрларда /қўшиқ, ялла/ ва маросим қўшиқларида ҳам қўлланиши мумкин.

Лапар айтиш ва яллачилик Жиззах вилоятида оммавий тус олаётган қўшиқлардан ҳисобланади. Чунончи, бу айтимлар турли ёш /кекса, ўрта, ёш / авлодлари, шунингдек, ҳозирда мавжуд ва янги ташкил этилган фольклор ансамбллари томонидан сезиб ижро этилмоқда. Ҳар иккала жанрга хос пайровлик айтимлар, жозибали ва ҳаётбахш оҳанг-ритмлар диққатни ўзига тортади.

Жиззах анъанасига кўра, лапарларни яккагон ижро этиши ёки икки ва ундан зиёд /масалан, фольклор ансамбли иштирокчилари / қўшиқчи /яллачи/ қуйлаши мумкин. Бунда баъзан рақсга ҳам тушилади.

Ялла айтимлари мисолида халқ ижодкорлигининг кенг намоён бўлишини кўраимиз. Жумладан, бу турдаги айтимлар ўзга жанрдаги қўшиқ намуналарини ижодий ўзлаштириш ва маълум йўсида ривожлантириш натижасида ва, шунингдек, мустақил равишда ижод этилиши жараёнида ўзига келимоқда. Масалан, меҳнат қўшиғи ёки лирик қўшиқ айтимларига яллаларга хос оҳанг ва рақсона усулларнинг уйғун этилиши кузатилади /Нота намуналари № 25, 26/. Бундан ташқари, вилоят халқ қўшиқчилигида ялла жанрининг икки тури учрайди: Ушбу намуналарни "кичик ялла" ва "кетта

I. Ялланинг икки турига оид муфассал тавсифлар профессор Ф.М. Қароматов тадқиқотларида баён этилган. Қаранг: Ф. Қароматов. Ўзбек халқ музыка мароси /XX асрда / . Биринчи китоб. Тошкент: Ё. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 5-9б.



ялла" каби атаб ўрилади. Чунки "кичин ялла"лар нисбатан тор овоз доирасида ҳамда киска /ичкинчи/ сўздан иборат /накаротли ихчам банд шаклларида қўйилади ва рақсга тушилади. /Нота намуналари № 25; 26 /."Чарх" ва "Анорхон" айтимлари шундай асосга эга бўлган яллалардир.

"Катта ялла"лар нисбатан кенг ҳатми, ривожланган куй йули ҳамда алоҳида мисраларга эга бўлган накаротли бандлар шаклида зуҳур бўлади. Уларнинг ижрасида ҳам нисбатан кўпчилик иштирок этади, яъни яккагон-айтимчи ва накаротчилар гуруҳи билан бирга раққоса-уйинчи ҳам қатнашади. Тўпладан ўрин олган "Тул тагида", "Рақ-вақа турем", "Дийди-ё", "Ардоқлади замона" номли айтимларда шу каби хусусиятлар муҳассам этилган /Нота намуналари № 27; 28; 29; 30 /.

Шундай қилиб Жиззах вилояти ўзбек халқ қўшиқчилигига доир киска тавсифимизни якунлаб, мажмуада акс этган қўшиқ намуналари ўқувчига манзур бўлади деган умид билдирамыз. Шу билан бирга бу тўплам муаллифнинг илк нашрларидан бўлганлиги боис унда айрим камчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Бу ўринда билдирилган фойдали фикр-мулоҳаза ва таклифларни сўзидидан қабул этамыз.

А. Кодирий номли Жиззах Давлат педагогика олийгоҳининг катта ўқитувчиси  
Н. Б. Таштемиров.

Уртача, куйчан I. Ёр - ёр

Ҳай -ҳай у - лан жон у- ла- но, туй-дир бу-гун ёр -ё - рай  
туй-дир бу - гун қан-ча уй - наб кул-санг оз - дир  
туй-дир бу - гун, ёр ё - рай туй-дир бу - гун.

Ҳай -ҳай улан, жон улан-о,  
Туйдир бугун ёр-ёрай, туйдир бугун,  
Қанча уйнаб кулсанг оздир,  
Туйдир бугун, ёр-ёрай туйдир бугун.

Ҳай-ҳай улан, жон улан-о,  
Жонона қиз, ёр-ёрай, жонона қиз.  
Ватдасида туралган-о, қилола қиз.  
Ёр-ёрай қилола қиз.

Ҳай-ҳай улан, жон улан-о,  
Гул кесганим, ёр-ёрай гул кесганим.  
Бир ҳовлида уйнаб кулиб,  
Тенг ўсганим, ёр-ёрай, тенг ўсганим.

Шалдир-шилдур, шуваққаё,  
Сирғам тушди, ёр-ёрай, сирғам тушди.  
Синамаган мойларга-ё  
Синглим тушди, ёр-ёрай синглим тушди.

Синглим тушган ҳовлига-ё,  
Ой бўлайин, ёр-ёрай, ой бўлайин.  
Куёв чеккан чилимга-ё  
Най бўлайин, ёр-ёрай, най бўлайин.



2. Ёр- ёр

Ўргача

Зар-гар кил-га - но тил- ло - ни,  
бу - зиб бул - мас ёр -  
бу - зиб бул - ма - сей ёр - ёр.  
Ху - до кўш - га - но тақ - дир - ни  
бу - зиб бул - мас ёр -  
бу - зиб бул - ма - сей ёр - ёр.

Заргар килган тиллоин  
Бузиб булмас ёр-ёр.  
Худо кўшган тақдирин  
Бузиб булмас ёр-ёр.

Ёр-ёр деб-о, биз айтаёмиз,  
Бирдек булиб ёр-ёр.  
Гулзорида очилган,  
Гулдек булиб-о ёр-ёр.

Бу дунёда бор булса,  
Багри-ё бутун ёр-ёр,  
Короздан кила-ё гургут,  
Гулдан-о ўтин ёр-ёр.

Ҳай-ҳай улан, жон улан,  
Тўйдир бугун ёр-ёр.  
Дўстлар келиб, дўшман кетар  
Кундир бугун ёр-ёр.

Мен бу ерда ўт ёқсам,  
Ўшда-ё тутуни ёр-ёр.  
Бу дунёда бор экан,  
Багри бутун ёр-ёр.

Хаводаги қлдузни,  
Отган отам ёр-ёр.  
Ўз қизини ёт қилиб-о,  
Сотган отам ёр-ёр.

3. Келин салом

Оҳиста

Ош-га пи-ёз таш-ла - дим, ёр - ё - рим -ни бош-ла-дим,  
са-лом са-лом кел-ин са -лом Ху -до-йим-га бир са-лом.

Томдан поя ташлаган, белини хўп ушлаган,  
Салом, салом, келин салом, қайночасига салом.

Ўғил туғиб керишган, ош қилишга эринган,  
Салом, салом, келин салом, қайночасига салом.

Дарчадан хўп қараган, сочларини тараган,  
Салом, салом, келин салом, қайночасига салом.

Атлас кўйлак қийқими, йигитларнинг шилқими,  
Салом, салом, келин салом, кўёв болага салом.

Паст девордан қараган, тўй қачон деб сураган,  
Салом, салом, келин салом, қўшниларига салом.

Ҳаммасидан ширини, айтмас чечасин сирини,  
Салом, салом, келин салом, қайночасига салом.


Қоши кўзи пилиқдай, кўзалари бир сузуқдай,  
Салом, салом, келин салом, қайн укасига салом.

Бўйнимдаги маржоним, узилиб тамом бўлди,  
Рухсат беринг яхшилар, саломим тамом бўлди.



4. Келин салом

Уртача



Ку-б-вим-сал-ла у-ра-ган ки-б-мат йу-ли-ни су-ра-ган,  
эши-тиб о-линг кай-ю-та-си сиз-га са-лом ёр-ёр.  
Ёр-ёр сиз-га са-лом ёр-ёр.

Куёвим салла ураган,  
Киёмат йулини сураган,  
Эшитиб олинг кайнотаси,  
Сизга салом ёр-ёр.

Амиркон өтик пошнаси,  
Райкомлардан ошнаси,  
Эшитиб олинг кайногаси,  
Сизга салом ёр-ёр.

Ухи, ухи, йуталган,  
Обдастан кутарган,  
Эшитиб олинг аммалари,  
Сизга салом ёр-ёр.

Суз кечдим деб эринган,  
Ул<sup>1</sup> тугдим деб керилган,  
Эшитиб олинг кайнонаси,  
Сизга салом ёр-ёр.


Буралиб турган камчидай,  
Томдан тушган томчидай,  
Эшитиб олсин овсинлари,  
Сизга салом ёр-ёр.

Куадаги такадай,  
Пмалаб юрган соккадай,  
Эшитиб олсин болалари,  
Сизга салом ёр-ёр.

I. Ул - яни, угил матносида.

5. Келин салом

Уртача. куйчан



У-хи, у-хи, йу-тал-ган об-дас-та-ни ку-тар-ган,  
эш-тиб о-линг кай-ю-та-си сиз-га са-лом ёр-ёр.

Ухи, ухи, йуталган,  
Обдастан кутарган,  
Эшитиб олинг кайнотаси,  
Сизга салом ёр-ёр.

Накарот.

Суз кечдим деб эринган,  
Ул тугдим деб керилган,  
Эшитиб олинг кайнонаси,  
Сизга салом ёр-ёр.

Накарот.

Көзөндә сүтдәй тошган,  
Келин кәләди, деб шошган,  
Эшитиб олсин овсинлари,  
Сизга салом ёр-ёр.

Накарот.

Яхши йуллар боллабсиз,  
Яхши туйлар кошлабсиз,  
Эшитиб олинг кайнотаси,  
Сизга салом ёр-ёр.

Накарот.

Ок коғозинг пәттәси,  
Мәхәлләниң кәттәси,  
Эшитиб олинг тоғалари,  
Сизга салом ёр-ёр.


Накарот.

Сувдан чиққан зулиқдай,  
Коши-куэн пилиқдай,  
Эшитиб олинг кайнотаси,  
Сизга салом ёр-ёр.

Накарот



Б. Ололамыз - ололмайсыз



Иигитлар: О - ло - ла - миз, о - ло - ла - миз, о - ло - ла - миз ха,



Кизлар: О-ло-ла-май-сыз ха-хе о - ло-ла-май-сыз

Иигитлар:  
/ Куёв томон / Ололамыз, ололамыз, ололамыз, ха!  
Ололамыз, ололамыз, ололамыз, ха!


Кизлар:  
/ Келин томон / Ололмайсыз ха-хе, ололмайсыз.

Иигитлар: Ололамыз, ололамыз, ололамыз, ха!  
Ололамыз, ололамыз, ололамыз, ха!


Кизлар: Ололмайсыз ха-хе, ололмайсыз.

Иигитлар: Ололамыз, ололамыз, ололамыз, ха! / 2 марта /

7. Кутаринг, кутаринг, бойвачча



Ку-та-ринг, ку-та-ринг бой-вач-ча, ку- та-рол-май-сыз ёр-ёр.



ёр ё- ру ёр- ёр ку- та-рол - май-сыз ёр - ёр.




кай-ди-гин-гиз кич- ки- на, о-либ ко- чинг ёр - ёр.




ёр ё - ру ёр - ёр о- либ ко - чинг ёр - ёр.


В. Хуш - хуш




Хуш, хуш, хуш, хуш, ол бо -ланг - ни хуш, хуш.




па - кир ту- либ сут бер-син, хуш жо -ним хуш, хуш.



бор-ган е - ринг ут бул -син, хуш, хуш, хуш, хуш,



ба -ло ка - зо йук бул -син хуш, хуш, хуш, хуш,



хуш, жо - ним хуш, хуш.

Хуш, хуш, хуш, хуш,

Ол болангни хуш, хуш,

Пакир тулиб сут берсин,

Хуш жоним хуш, хуш.

Борган еринг ут булсин,

Хуш, хуш, хуш, хуш,

Бало казо йук булсин,

Хуш, хуш, хуш, хуш,

Хуш, жоним хуш, хуш.







Хуп ҳайда-ё, хуп ҳайда,  
Темир туёғим ҳайда,  
Хирмонни қилгил майда,  
Темир туёғим ҳайда.


Хирмонни қилмасанг майда,  
Сенларга тиним қайда,  
Хуп ҳайда-ё хуп ҳайда,  
Қалқон қулогим ҳайда.

# 10. Урғуч



Эшик оядида қумлок,  
Менинг ишим кумлок,  
Элак ичида кепак,  
Менинг ипгинам ипак.

Менинг ипимдай қилиб,  
Эшолмайди ургичман.  
Айлан урғучим айлан,  
Айлан урғучим айлан.






соч бов-лар ер-га те-га -дир.

Ҳа, майда, майда, майда,  
Туёқларингдан айланай  
Ҳа, майда, майда, майда.

Сенинг ананг билдир,  
Соч бовлар ерга тегадир,  
Ҳа, майда, майда, майда.

# 12. Шамол тўхтатиш



лок.

ҚУЯ шамол, қУЯ йугам,  
ҚУЯданам шамол йугам,  
Ел отага етти кумалок.

1. Йугам - ёввоқ.



13. Суёт хотин

Вазмин

Суёт, суёт хо-тин суёт хо-тин жо-вин жоқ-син суёт хо-тин.  
 жо-вин жоқ-син тов-тов-га жил-ки кел-син у - тов - га  
 о-гам шун-дан бой бул-са бах-мал жов-син у - тов-га.  
 Суёт, суёт хо-тин суёт хо-тин жо-вин жоқ-син суёт хо-тин.

Накарот: Суёт, суёт хотин, суёт хотин, жовин жоқсин суёт хотин.

Банд: Кура тулиб куй булсин, Суёт, суёт, хотин суёт хотин,  
 Чагат<sup>1</sup> тулиб мул булсин, Уралар тулеин суёт хотин,  
 Суёт, суёт хотин, суёт хотин, Суёт, суёт хотин, суёт хотин,  
 Киплоқлар равшан булсин. Кукатлар туйсин суёт хотин.

Уртача, куйчан 14. Суёт хотин

Суёт хо-тин суёт хо-тин ку-лан-ка-си май-дон хо-тин,  
 ём-гир ёг-дир мул бул-син е-ру жа-хон хул бул-син,  
 шаф-то-ли-лар гул-ла-син бор-лиқ нур-лар-га тул-син.

15. Баҳор

Оҳиста

Ба-ҳор бул-ди о-чил-ди гул-лар ҳар ён-да,  
 Бул-ди-лар сай-ра-шур-лар у ён бу ён-да.  
 Тог баг-ри-да ку-зи-лар ут-лаб маъ-ра-шур-лар,  
 Тог-дан тош-га ёч-ки-лар сай-раб уй-на-шур-лар.  
 Тог-дан қулга ти-ний сув туш-ди шил-ди-раб,  
 қул и-чи-да сув ту-ла ту-рар мия-тил-лаб.

Баҳор булди очиди,  
 Гуллар ҳар ёнда,  
 Булбуллар сайрашурлар,<sup>1</sup>  
 У ён, бу ёнда.

Тогдан қулга тиниқ сув,  
 Тушди шилдираб,  
 Қул ичида сув тула,  
 Турар миятиллаб.

Тог бағрида қузилар,  
 Утлаб маърашурлар,  
 Тогдан тошга ёчкилар,  
 Сайраб уйнашурлар.

Турли қушлар сайрашур,  
 Ёқимли мунг билан,  
 Нега қўнғилим очилмас,  
 Уйин қулги билан.

<sup>1</sup> Бандларнинг сўнгги икки мисралари 2 марта таврорланади.



Соким

# 16. Гуллола

А - на а - на гул - ло - ла гул - ло - ла  
о - чи - либ - ди гул - ло - ла гул - ло - ла.  
ке - линг те - ринг гул - ло - ла гул - ло - ла.  
Ча - мон ча - мон о - чи - лар, ба - ҳор чо - ги  
гул - ло - ла. Гул - ни ях - ши ку - ра - ди  
нат - га ки - чик ҳар бо - ла.

Накарот:

Ана, ана, гуллола, гуллола,  
Очилибди гуллола, гуллола.  
Келинг теринг, гуллола, гуллола

Кетган қушлар узокдан,	Гуллола жон гуллола,
Яна бизга қайтади.	Тог боши гӯла жола.
Қуртақ очган шоклардан,	Кани чикиб бир донга,
Сайраб қушиқ айтади.	Териб олингчи бола.

Накарот.

Накарот.

# 17. Бойчечак

Тез

Бой - че - ча - гим бо - ла - си, ку - ло - ги - да  
до - на - си, до - на - си - ни о - лай де - сам  
ю - гу - риб чик - ди о - на - си юм - шок ер - дан  
каттик ер - дан  
ю - ма - лаб чик - кан бой - че - чак, бой - че - чак.  
как - раб чик - кан бой - че - чак, бой - че - чак.

Бойчечагим боласи,  
Кулогида донаси,  
Донасини олай десам  
Югуриб чикди онаси.

Накарот:

Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак,  
Бойчечак,  
Каттик ердан какраб чиққан бойчечак,  
Бойчечак.



18. Рамазон

Уртача тез

У-ра-за-нинг уч ку-ни-ни ту-тиб кел-дик сиз-га,  
 У-ра-за-нинг за-ко-ти-ни бе-ринг биз-га.  
 Ё Ра-ма-зон ай-тиб кел-дик э-ши-гин-гиз-га,  
 Куч-қор-дек у-гил бер-син бе-ши-гин-гиз-га.  
 Са-лом ай-тинг МУ-ҲАММАД Мус-та-фо-га, Са-лом ай-тинг  
 А-ли-ше-ру. ХУ-ДО-ГА.

Шу уйнинг чангороги чакчақкина,  
 Шу уйда бир янгам бор оппоқкина,  
 Шу уйнинг чангороги энгашади,  
 Бой билан бойбичча кенгашади.

Салом айтинг Муҳаммад Мустафога,  
 Салом айтинг Алишеру Худога.

Бой айтар кўрадан қўй бераман деб,  
 Бойбичча айтар бухчадан тўн бераман деб,  
 Бойнинг берган қўйи қуртли экан,  
 Бойбиччанинг берган тўни йиртиқ экан.

Накарот.  
 Моможон ётасизми хўрра-хўрра,  
 Супрангизни ит тортар тарра-тарра,  
 Ё, Рамазон айтган билан тўямизми,  
 Бурунги кендасини кўямизми.

Накарот.

19. Ривоят қўшиқ

Хаяжон билан

Са-ри са-ри де-дин-гиз, эр ол-мач-ча  
 кўр-дин-гиз, са-ри хо-тин ол-сан-гиз,  
 сур-ма кў-йиб су-я-сиз.

Сари,<sup>1</sup> сари дедингиз,  
 Эр олмачча кўрдингиз,  
 Сари хотин олсангиз,  
 Сурма кўйиб сурсиз.

Қора хотин олсангиз,  
 Тезакдайн кўясиз.  
 Уча<sup>2</sup> билан туш ота,  
 Уялмасанг туш ота.

Сари-сари дедингиз,  
 Ёртга ташлаб кетдингиз,  
 Уча билан туш ота,  
 Уялмасанг туш ота.


<sup>1</sup> Сари - сарик.

<sup>2</sup> Уча - қўйлар подаси /қўйловчининг берган изоҳи /.



20. Үсма

Вазмин



Үсма экилмасмиди-ё,

Таги чопилмасмиди.

Нега қарига бердингиз,

Тенгим топилмасмиди.

Қора қумгон қўйдилар-о,

Қайнамасин дедилар.

Қари чолга бердилар-о,

Яйрамасин дедилар.

Оқ шойқдан қўйлагим-о,


Куринади билагим.

Ёмон ёрнинг қулида-ё,

Зардоб бўлди ярагим.

21. Қошингни қароси

Тез



Қошингни қароси ягоналарга-ё, ягоналарга.

Асли раҳминг келмайди бегоналарга-ё, бегоналарга.

Асли раҳминг келганда бегоналарга-ё, бегоналарга,

Бошинг олиб кетмас эдинг Ғаргоналарга-ё, Ғаргоналарга.

Кизи гул гуллайди, шоналаблар-о, шоналаблар-о.

Менинг ёрим ёмонлар оналарига-ё, оналарига.

Менинг ёрим ёмонласа оналарига-ё, оналарига,

Яхшисини топиб берсин болаларига-ё, болаларига.



22. Қошингни қароси

Уртача

Қо-шинг-ни қа-ро-си ай-ло-на кел-ган.  
Ан-жир-ни со-я-си-га ру-па-ра кел-ган.  
Ан-жир-ни со-я-си сой-ни бу-ло-ги.  
Шу-да ё, мон бу-лар э-кан ёр-ни фи-ро-ги.

Қошингни қароси явса кетарми,  
Сенингдек тоза гул богда битарми,  
Сенингдек тоза гул богларда битса,  
Сураб борсам богдон бобом пулга сотарми.

Қошингни қароси оламга машхур,  
Қизил олма берай сенга қўйнингга яшир,  
Берган қизил олмаларим қўйнингга турсин,  
Кеча берган ваъдаларинг ёдингга турсин.

Қошингни қаро деб қолдим балога,  
Асли раҳминг келмайди мен мубталога,  
Асли раҳминг келмаса мен мубталога,  
Бошим қўйиб йиглайман остоналарга.

23. Очил - очил

Тез

О-чил о-чил гул-ло-ла до-дай,  
о-чил-ма-санг гул қай-да о-чил.  
Мир-за-чул-нинг чум-чу-ги до-дай,  
чул-га қа-раб у-ча-ди о-чил.

Очил, очил гулзола додай,  
Очилмасанг гул қайда очил.  
Мирзақулнинг чумчути додай,  
Чулга қараб улади очил.

Дугонамни соғинсам додай,  
Ўнг қовоғим улади очил.  
От чиқади далага додай,  
Қамчи сопи ўрикдан очил.

Оқ олтиннинг қонида додай,  
Бирга ишланг болалар, очил,  
Меҳнатингдан доимо додай,  
Яшнасин гул даладар, очил.



Уртача

24. Терма

Ав - вал ав - вал ав - вал бош-дан,  
 дав-лат ке - рак - дур йи-гит - га -  
 ей. От - дур  
 йи - гит - нинг йул - до - ши,  
 у - гил - дир дав - лат - нинг бо - ши  
 Киз ҳам бул - са кун - гил  
 ку - ши - зуй - рот ке - рак -  
 дур йи-гит - га-ей. Гур - уг -  
 ли - дай о - тинг бул - са,  
 бе - динг - ни кув - ва - ти бул - са -

А - ваз - хон - дай уг - линг  
 бул - са, на - лар ке - рак -  
 дур йи-гит - га - ей.  
 О, кел - ган - да о - тинг  
 бог-ла ган, у - риб жи - га -  
 ринг дог - ла - ган, ул - ган -  
 да зор - зор йиг - ла - ган, жо - нон  
 ке - рак - дур йи-гит - га - ей.



## 26. Анорхон

Кадал

Ки-зил гул-сан бар-гинг йук А - нор - хон ай - ла - най,  
 буз йи-гит-сан ё-ринг йук жу - ра - жон ё - рай.  
 Ум-ринг у-тиб бо-ра-ди-ё А-нор - хон ай - ла - най.  
 Ер-дан сен ха-ба-ринг йук жу-ра - жон ё - рай.

Кизил гулсан баргинг йук, Анорхон, айланай,  
 Буз йигитсан ёринг йук, журажон, ёрай,  
 Умринг утиб боради, Анорхон, айланай,  
 Ердан сен хабаринг йук, журажон, ёрай.

Кизил гулнинг равшани, Анорхон, айланай,  
 Айтиворинг ушани, журажон ёрай.  
 Айтган билан келмаса, Анорхон, айланай,  
 Худо олсин ушани, журажон ёрай.

Қошинг қорача ёрим, Анорхон, айланай,  
 Келинг, бойвачча ёрим, журажон, ёрай.  
 Келсангиз-келмасангиз, Анорхон, айланай,  
 Поезд йули мулжалим, журажон ёрай.

## 25. Чарх

Қонди

Чар-хим та-ноб таш - лай - ди, уй - нанг ёр  
 уй - нанг, бир ба-ло - ни бош-лай-ди -  
 уй-нанг ёр уй - нанг.

Чархим таноб ташлайди,  
 Уйнанг ёр, уйнанг,  
 Бир балони бошлайди,  
 Уйнанг ёр, уйнанг.

Қундошлиги қурисин,  
 Уйнанг ёр, уйнанг,  
 Қунда уруш бошлайди,  
 Уйнанг ёр, уйнанг.

Чархим гум-гум этади,  
 Уйнанг ёр, уйнанг,  
 Товуши Қўқон этади,  
 Уйнанг ёр, уйнанг.

Жиззахликнинг кизлари,  
 Уйнанг ёр, уйнанг,  
 Кизил олма этади,  
 Уйнанг ёр, уйнанг.



## 27. Гул тагида

Шух, куйчан

Гул та-ги-да гул у-са -ди шок-ча - лаб ме-ни ё-рим  
 гап-лаш-май-ди ўп - ка - лаб, гап-лаш-ма-са гап-лаш-ма-син  
 эр-ка - лаб, у - зим бо-риб гап-ла-ша-ман эр-ка - лаб.  
 У-зи бил-са бил - син, ўз-га бил-ма - син,  
 се-ви - шим-ни га-ним - лар ас-ло бил-ма - син.

Куйлагимни ким тикибди тор этиб,  
 Менинг ёрим гаплашмайди ор этиб,  
 Гаплашмаса гаплашмасин ор этиб,  
 Мен кетаман бошқа ёрни ёр этиб.

Нақарот:

Ўзи билса билсин, ўзга билмасин,  
 Севишимни ганимлар асло билмасин.

Куйгил бердим йигитларнинг мардига,  
 Ишонмайди врагимнинг дардига,  
 Ишонмаса врагимнинг дардига,  
 Ўзим бориб гаплашаман оддига.

Нақарот.

## 28. Дийди-ё I

Тезроқ, куйчан

Дий-ди-ё дий-ди - ё бир ки-зи бор дий-ди - ё,  
 бир ки-зи-нинг куй-си -да ол-ду - зи бор дий-ди - ё.  
 Дар-ё-лар-нинг ул ю-зи-да уй-ла-рин-гиз дий-ди - ё,  
 о-ка-ри-шиб куй-ри-на-ди буй-ла-рин-гиз дий-ди - ё.  
 Қо-ши куй-зи қа-ро ё-кан сев-га-нин-гиз дий-ди - ё,  
 биз-лар-дан ҳам ор-тик ё-кан сев-га-нин-гиз дий-ди - ё.

Нақарот:

Дийди-ё, дийди-ё, бир ки-зи бор дийди-ё,  
 Бир ки-зининг куйсида, олдузи бор дийди-ё.

Дарёларнинг уясида,  
 Минораман дийди-ё,  
 Минорага сулиб турган  
 Бечораман дийди-ё.

Нақарот.

Ярми олтин, ярми кумуш,  
 Бечораман дийди-ё,  
 Ўз ёримга чой бергани  
 Ўхламан дийди-ё.

Нақарот.

I. Дийди-ё - дейди.



29. Вақ-вақа тўрам

Шух

Вақ-вақа тў-рам бос-манг жа-ма - ла - гим - ни,  
 жо - ним тў - рам кўй - вор зар қо - ки - лим - ни.  
 Тоғ - да ар - ча манг йил у - мр кў - рар - миш,  
 шо - хи син-са зар - гар ол-тин қи - лар - миш.  
 Зар-гар - ни қил - га-ни тил - ло бу - лар - му -  
 ки - либ бер-ган кўн-гил жу-до бу - лар - му.

Нақарот:

Вақ-вақа тўрам босманг жамалагимни,  
 Жоним тўрам, кўйвор заркокилимни.

Эрга туриб мол ҳайдадим подага,  
 Бир даста гул келиб тушди ходага,  
 Бориб айтинг эсон-смон тўрага,  
 Отни кўйиб, ўзи келсин пийда.

Нақарот.

30. Ардоқлади замона

Шух, куйчан

Ар-док-ла-ди за-мо-на - ўс - тир - ди қаҳ-  
 ра-мо - на, нур-лар-га тўл - ди хо - на  
 раҳ-мат сен-га за - мо - на. Раҳ - мат сен - га  
 за-мо-на ҳур-мат сен-га за - мо - на.

Гавҳар бу ўлка тоҷа,  
 Ёғишти-ку куйи.  
 Чули силади бошни,  
 Раҳмат сенга замона.

Нақарот:

Раҳмат сенга замона,  
 Ҳурмат сенга замона.

Ватан чирогӣ ёнди,  
 Кун тунларга уланди,  
 Осмоним нурга тўлди,  
 Раҳмат сенга замона.

Нақарот.

Ой келигим очиб юз,  
 Маржон демангиз кудуз,  
 Қурсатди ойни кудуз.  
 Раҳмат сенга замона.

Нақарот.



# ИЗОХЛАР

1. Ёр-ёр - Галлаорол туманида Зулфия Абдурахмонова ижросида ёзиб олинди / 1956 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
2. Ёр-ёр - Зомин туманининг Қайирма маҳалласида Одина Ёсуповадан ёзиб олинди / 1935 йили тугилган, Наманган вилоятининг Норин туманидан кўчиб келган /.
3. Келин салом - Дўстлик туманидаги М.Дадажонов номи Давлат хўжалигида ташкил этилган "Орзу" фольклор ансамбли ижросида ёзиб олинди.
4. Келин салом - Зомин туманининг Қайирма маҳалласида Одина Ёсуповадан ёзиб олинди / 1935 йили тугилган, Наманган вилоятининг Норин туманидан кўчиб келган /.
5. Келин салом - Галлаорол туманида Муҳтарам Қамбаровадан ёзиб олинди /1949 йили тугилган, Андижон вилоятининг Жалоқудук туманидан кўчиб келган /.
6. Олоғамиз - Олоғмайсиб - Жиззах туманининг Алишер Навоий номи хўжа хўжалигида Ойниса Эргашевадан ёзиб олинди /1926 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
7. Кўтаринг, кўтаринг, бойвачча - Жиззах туманининг Алишер Навоий номи хўжа хўжалигида истиқомат қилувчи бир гуруҳ волидалардан ёзиб олинди.
8. Хўш-хўш - Бахмал туманининг Ойқор хўжалигида Розия Мамановадан ёзиб олинди / 1934 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
9. Хўп ҳайда - Зомин туманида Маърифат Шодиевадан ёзиб олинди /1935 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
10. Урғуқ - Пахтакор туманидаги 6-Давлат хўжалигида Асал Тулабоевадан ёзиб олинди /1926 йили тугилган, Галлаорол туманининг Ўрат қишлоғидан кўчиб келган /.

11. Ҳа, майда

12. Шамол тўхтатиб

13. Суст хотин

14. Суст хотин

15. Баҳор

16. Гулшола

17. Войчечак

18. Рамазон

19. Ривоят қўшиқ

- Бахмал туманининг Ойқор хўжалигида Розия Мамановадан ёзиб олинди /1934 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
- Ўриш туманининг Сайёд қишлоғида Ойсара Азмиддиновадан ёзиб олинди /1920 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
- Ўриш туманининг Сайёд қишлоғида истиқомат қилувчи Ойсара Азмиддиновадан ёзиб олинди /1920 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
- Галлаорол тумани, Зарбулоқ Давлат хўжалигида Ғеруза Ҳайдаровадан ёзиб олинди /1970 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
- Галлаорол туманидаги Амир Темур хўжалигида Комила Маҳмудовадан ёзиб олинди / 1921 йили тугилган, туб аҳоли вакиласи /.
- Мирзачўл туманининг 21<sup>2</sup> Давлат хўжалигида Марғуба Раҳматова ва Ғавҳар Ҳайдаровалардан ёзиб олинди /1979 йили тугилган, 48-ўрта мактаб ўқувчилари /.
- Арнасой тумани, Д.Фучик номи хўжалик марказида истиқомат қилувчи Тасвира Худойбергановадан ёзиб олинди /1945 йили тугилган, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидан кўчиб келган /.
- Ўриш туманидаги Сайёд қишлоғида Шердил Қосимовдан ёзиб олинди /1925 йили тугилган, туб халқ вакили /.
- Бахмал туманининг Уяс қишлоғида Тошмома Яроқовадан ёзиб олинди /1924 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.



20. Усма	- Жиззах туманининг Алишер Навоий номи жамоа хўжалигида Тимур Нурсиновадан Ёзиб олинди /1936 йили тугилган, туб халқ вакиласи/.
21. Қошинғни қароси	- Дўстлик туманидаги А. Саркисов номи Давлат хўжалигида Ёргашой Давроновдан Ёзиб олинди /1946 йили тугилган, Қўқон шаҳридан кўчиб келган /.
22. Қошинғни қароси	- Зарбдор туманида Анорой Умаровдан Ёзиб олинди /1939 йили тугилган, туб халқ вакиласи/.
23. Очил-очил	- Мирзачўл туманининг 21 <sup>2</sup> Давлат хўжалигида истикомат қилувчи Дилдором Жуманова, Айнаш Ўроқбоева, Салтанат Норботирова ва бир гуруҳ волидалардан Ёзиб олинди.
24. Терма	- Зомин туманининг Қайирма маҳалласида Пирназар ота Бобоназаров /Хотамназаров/ дан Ёзиб олинди /1922 йили тугилган, туб халқ вакили/.
25. Чарх	- Жиззах туманининг Алишер Навоий номи жамоа хўжалигида Мукаррам Расуловдан Ёзиб олинди /1952 йили тугилган, туб халқ вакиласи/.
26. Анорхон	- Жиззах туманининг Алишер Навоий номи жамоа хўжалигида Ойниса Ёргашевдан Ёзиб олинди /1926 йили тугилган, Фарғона вилоятининг Учқўрғон туманидан кўчиб келган /.
27. Гул тагида	- Ёриш туманининг Уч қулоч даҳасида Бонат Мирзаевдан Ёзиб олинди /1958 йили тугилган, туб халқ вакиласи /.
28. Дийди-ё	- Галлаорол тумани, Галлаорол Давлат хўжалигида ташкил этилган фольклор ансамбли ижросида Ёзиб олинди.
29. Вақ-вақ тўрам	- Зафаробод туманининг 29-Давлат хўжалигида Ёркиной Муминовдан Ёзиб олинди /1922 йили тугилган, Тошкент шаҳридан кўчиб келган /.
30. Ардоқлади замона	- Пахтакор туманининг Самарқанд номи хўжалигида истикомат қилувчи бир гуруҳ волидалар ижросида Ёзиб олинди.

# МУНДАРИЖА

Суз боши	3
Жиззах халқ кўшиклари	4
Кўшикларнинг нота намуналари	
Тўй маросими кўшиклари	
1. Ёр-ё	17
2. Ёр-ё	18
3. Келин салом	19
4. Келин салом	20
5. Келин салом	21
6. Ололамитиз-ололамитиз	22
7. Кутаринг, кутаринг бойвачча	22
Меҳнат кўшиклари	
8. Хўш-хўш	23
9. Хўп қайда	24
10. Урчук	24
11. Ҳа, майда	25
Мавсумий маросим кўшиклари	
12. Шамол тўхтатиш	25
13. Суёт хотин	26
14. Суёт хотин	26
15. Баҳор	27
16. Гулдола	28
17. Бойчечак	29
18. Рамазон	30
19. Ривоят кўшик	31
Кўшик, терма, ялла	
20. Усма	32
21. Қошинғни қароси	33
22. Қошинғни қароси	34
23. Очил-очил	35
24. Терма	36
25. Чарх	38
26. Анорхон	39
27. Гул тагида	40
28. Дийди-ё	41
29. Вақ-вақ тўрам	42
30. Ардоқлади замона	43
ИЗОҲЛАР	44



Босмаша рухсат этилди 1.04.94 й.  
Вичими 60х84 / 16. хаами шартли  
3 б.т. 360 нускада. Буртша ра-  
хами 9. ХХХМОМининг кулайрири  
булимиде чоп этилди.



